

“XXI ASR” ШАРҲИ

СИЁСIIЙ ИРОДА ВА ҚАТЪIIЙ ҲАРАКАТ МАҲСУЛИ

Бир пиёла чой устида суҳбатлашаётган ҳамкасблар даврасида шундай савол қўйилди: Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) Бош ассамблеясининг 25-сессияси мезбонлиги Ўзбекистонга берилгани аслида нимани англатади? Бошқалар сониялар ичида ҳаёлан мулоҳаза юритаётган пайтда шартта ўз фикримни айтдим. Жавобимга икки-уч киши дарров қўшилди. Қолганлар қисқача асослашни сўради. Мен ҳам эринмай мисоллар келтиришга ўтдим.

Ли Куан Ю исми-шарифли сиёсатчи ва давлат арбобини ҳамма яхши билади – Сингапур мўъжизасининг асосчиси. Ана шу доврқли, бироқ камтарин инсон изчил ислохотлар туфайли муайян ютуқларга эришгандан кейин журналистлар билан мулоқотда юзаки қарашда жуда оддий, лекин салмоқ жihatдан ниҳоятда қўламли фалсафани илгари сурган. “Агар иқтисодий ўсиш керак бўлса, қўшнилар билан жанг эмас, савдо қилган маъкул”.

Мазкур иқтисоддаги “жанг” сўзини фақат ўқотиш ва қон тўкиш маъносига тушуниш хато, албатта. Қўшнилар билан совуқ муносабатнинг зарари баъзида уруш талофатидан кам бўлмаган даражада зиён-заҳмат етказишни яқин ўтмишда ўз кўзимиз билан кўрдик. Шахсий ҳаётимизда ҳис қилдик. Ўзаро манфаатли иқтисодий алоқаларни қўя турайлик – катта ариқ ёки улкан қирнинг нарғидаги қудда-андалар билан борди-келди ҳам имконсиз бўлиб қолгани ҳали ҳеч кимнинг эсидан чиққани йўқ.

...Икки минг ўн олтинчи йилнинг охиридан намоён бўлган сиёсий ирода туфайли қўшнилар



римиз билан ҳамкорлик илиқлаша бошлади. Қандайдир амбицияларга асосланган ўйинлар ўрнини самимий дўстлик эгаллади. Шу вақтдан эътиборан минтақадаги зиддиятлар юмшаб, муносабатлар оқиллик оқимида кўчди. Бунда туризм соҳасида ўзига хос имкониятларга эга мамлакат – Янги Ўзбекистонга етакчилик қилаётган шахснинг роли бекиёс бўлди. Марказий Осиёдаги бугунги барқарорлик ҳам кўп жihatдан айна шу омил билан бевосита боғлиқ.

Жаҳон ҳамжамияти қатори UNWTO мутасаддилари ҳам юқоридаги сезиларли ўзгаришларни эътироф этишмоқда. Самарқанд худди шонли та-

рихда бўлгани каби ҳозир ҳам ер юзининг сайқалига айланиб бораётганини тан олишмоқда. Кўҳна шаҳардаги биргина “Буюк ипак йўли” халқаро туризм марказининг ўзи исталган сайёҳни ҳайратга сола олиши айна ҳақиқатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев UNWTO Бош ассамблеясининг 25-сессияси очилиш маросимида нутқ сўзлаганидан кейин Самарқанддан тўғри Хитойга – Буюк ипак йўлининг бошланиш нуқтаси саналган Чин юртига жўнаб кетди.

Давоми 2-саҳифада. ►►

САЁҲАТНОМА

ЭНДИ МЕҲМОН ЭМАСМИЗ...

ТОҒЛАР ВА ДАРЁЛАР МАМЛАКАТИ БЎЛМИШ ҚЎШНИ ТОҶИКИСТОН ТААССУРОТЛАРИ, ҲАЙРАТЛАРИ

ЭЛЧИГА...ҒАП ЙЎҚ!

Тожикистонга уч марта борибман. ...1997 йил баҳорда. У маҳаллари Ғончи эди туман номи, ҳозир Деваштич бўлибди. Бир неча кун ўша ҳудуддаги беш-ўнта қишлоқларни қадрдонларим билан айландик, зиёратлар қилдик, одамлар билан дардлашдик. Асрлар давомида аҳил, иноқ яшаб келган ўзбек-тожик халқлари ўртасида темир тўсиқлар ўрнатилмаганди ўшанда. Расман чегаралар белгиланган, ўтиш-қайтиш постларида аскарлар турган бўлишса-да, борди-келдиларимиз анча эмин-эркин эди. Мезбонларнинг бизларни хушмуомалалик билан кутиб олиб оқ йўл тилагани кейинчалик армон бўлиб қолганига ҳаммамиз гувоҳимиз. У кунлар энди эртатка айланди...

...2022 йилнинг октябрида бир гуруҳ ўзбекистонлик журналистлар сафида энди Душанбе тарафларга йўл олдик. Аввалига қадим Хўжанд шаҳрининг энг гўзал ва муқтадам жойларини томоша қилдик. Кейинги ўн йилликларда қўшни



мамлакатда амалга оширилган улкан ўзгариш ва бунёдкорликларни кўриб суюндик. Кейин бир дунё ҳайратлар ичра Шахристон-Анзоб доволарини ошиб ўтиб, пойтахт — Душанбе шаҳрига етиб бордик. Уч-тўрт кун ичида кўрган-кечир-

ганларимиз ҳақида Ўзбекистондаги ОАВ ва ижтимоий тармоқларда деярли ҳар кун репортаж, хабару мақолалар мунтазам бериб борилди.

Давоми 5-саҳифада. ►►

БУГУНГИ СОНДА:



АСОСИЙ МАҚСАД –
ҲАЁТИЙ НАТИЖАДОРЛИККА
ЭРИШИШ

2.

ХОРАЗМ САНОАТИ ЯЛОВБАРДОРИ



3.



Ишлагандай
бўлмайлик,
ишлайлик!

6.

21 ОКТАБРЬ – ЎЗБЕК ТИЛИ БАЙРАМИ КУНИ



Салим АШУР

ОНА ТИЛИМ

Парча тошга мангу умр бахш этган

Она тилим.

Қояларга боқий битик нақш этган

Она тилим.

Кўзларимга дунёни чин кўрсатган

Она тилим.

Отам, онам, кимлигимни ўргатган

Она тилим.

Мудраб қолса, бутун халқни уйғотган

Она тилим.

Китобларда ёнган, гоҳо муз қотган

Она тилим.

Бир миллатни бир Ватанга жамлаган

Она тилим.

Фарзанд учун чўнг тарихлар ғамлаган

Она тилим.

Тандирларга онам ёлган иссиқ нон

Она тилим.

Тупроқларга ташламайман ҳеч замон

Она тилим.

Ҳар ўзбекка қисмат, ор-номус бўлдинг,

Она тилим.

Ўзгаларга қиёматли дўст бўлдинг сен,

Она тилим.

Бир болангман, устим ёлдинг совқотсам,

Она тилим.

Мен қалқонман биров сенга тош отса,

Она тилим.

Даҳоларга алла айтган олтин бешик

Она тилим.

Булбуллардан ёш оқизган олтин кўшиқ

Она тилим.

Қулоғимга тилла ишқдек қўйилгансан,

Она тилим.

Юрагимга исимим бўлиб ўйилгансан,


Она тилим.

XXI АСРНИНГ 24-ЙИЛИДА ҲАМ “XXI asr” БИЛАН БИРГА БЎЛИНГ!

ОБУНА 2024



Обуна индекси – 406.
Мурожаат учун телефон: 71 255 68 50.



Озод РАЖАБОВ,
“XXI asr” шарҳловчиси

ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИАТЛАРИ

ХОРАЗМ САНОАТИ ЯЛОВБАРДОРИ

ҲИСОБЛАНМИШ “UZAUTO MOTORS” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИДА САЛКАМ 3700 НАФАРДАН ОРТИҚ КИШИ ИШЛАЙДИ, УЛАРНИНГ ЯРМИДАН ОРТИҒИ O’ZLiDeP АЪЗОЛАРИ ҲИСОБЛАНАДИ

...Беш йиллар муқаддам питнаклик Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси, тўқсон беш ашар Худойберди бува узун ҳаёти давомида кўрганлари ҳақида гурунг берарканлар, қизиқ гапни айтган эдилар: “Шукр қиламанки, авваллари ҳатто оддий пақир ясалмаган Хоразмда энгил машиналар ишлаб чиқариладиган кунларни ҳам кўрдик!”

Отахон яна гап орасида икки нафар невараси шу корхонада ишлаётгани, рўзгорлари бут, дастурхони тўқинлигини ҳам қўшимча қилганидан шодмон бўлиб...

Қадим воҳа учун тамомла янгилик бўлган бу эзгу иш ҳукуматимизнинг 2013 йил 21 февралдаги “Хоразм вилоятида “Дамас” русумли энгил машиналар ишлаб чиқаришни ташкил этиш чора-тадбирлари ҳақида”ги қароридан сўнг бошлангани ҳамон кўпчилиكنинг ёдида. Дастлаб 73.4 миллион АҚШ долларлик лойиҳа амалга оширилиб, йилига 20 минг дона “Дамас” ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, 860 ишчи ўрни яратилди. Ўша вақтда ҳам ишчи сонига кўра янги корхона вилоятда яловбардор бўлган эди.

Давлатимиз раҳбари 2016 йилда Хоразм вилоятига ташрифлари доирасида 2017 йилдан бошлаб ушбу корхонани модернизация қилиш ҳисобига автомобиллар ишлаб чиқаришни йилига 40 минг донага етказиш топширигини берганди. Ва бу кўрсаткичга ҳам айtilган мuddатларда эришилди.

Вилоятда автомобилсозлик саноатини қисқа фурсатда бу қадар устириш ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Соҳа учун етук кадрлар, мутахассисларни тайёрлаш, уларни ўқитиш, маалакаларини оширишга катта эътибор қаратилди.



– Янги заводнинг бунёд бўлиши, аввало, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси туфайли амалга ошди, – дея ўша даврларни эслайди **мазкур филиалнинг бошқарувчи директори Собир Жуманиёзов**. – Ҳозир ҳам кўз ўнгимда турибди. Шўролар даврида авиасозлик заводи филиали сифатида ташкил қилинган, аммо ишлаб чиқариш йўлга қўйилмаган ташландик корхона биносини, унинг чор-атрофини юртбошимиз қадамма-қадам кўриб чиқди ва ушбу истиқболли лойиҳани амалга ошириш бўйича тегишли маслаҳат ва топшириқлар берди.

Тўғриси, ўша вақтда бу янгиликнинг амалга ошишига ишонмаган, шубҳа билан қараганлар бўлган. Сабаби, мус-



тақилликнинг илк даврида бу ерда “Мерседес” русумли юк машиналарини йиғиш йўлга қўйилиб, сўнг бу лойиҳа барбод бўлганди-да...

Орадан олти йил вақт ўтди. Бу қисқа мuddат ичида “Дамас” ва “Лабо” энгил машиналари ишлаб чиқариш деярли олти бараварга кўпайди. Ишчи-хизматчилар сони ҳам йил сайин ўсиб борди.

Нихоят, давлат раҳбарининг автомобиль саноатини жадал ривожлантириш бўйича қабул қилган фармон ва қарорлари асосида филиалда 2022 йилга келиб ишлаб чиқариш қуввати 70 минг автомобилдан 100 мингга етказилди.

Филиал иш бошлаган илк даврда энгил автомобилларнинг бутловчи қисмларининг аксарияти четдан келтирилди. Бу ўз навбатида иш маромига ва таннархга таъсир кўрсатарди. Шундан сўнг ҳукуматимиз қарорига кўра айни шу борада бир қатор маҳаллийлаштириш дастурлари қисқа фурсатда амалга оширилди. Мисол учун 53.3 миллион АҚШ доллари қийматидаги янги пресслаш цехи қурилиб, ишга туширилди. Янги цех иш бошлаши билан “Дамас” ва “Лабо” энгил машиналарининг четдан олиб келинаётган 266 турдаги муҳрланган бутловчи қисмларини шу ернинг ўзида ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида корхонада йилига 40 минг тонна металл листни қайта ишлаш имкони яратилди ва эллик миллион долларлик импорт маҳсулотларни сотиб олишга чек қўйилди.

– Президентимизнинг сайловолди дастурларида белгилаб берилган вазифа ижросини таъминлаш, яъни кейинги йилларда ишлаб чиқариш қувватини 150 минг автомобилга етказиш бўйича умумий қиймати 12 миллион АҚШ долларлик инвестиция лойиҳаси амалга оширилиши режалаштирилганми. Ушбу лойиҳа тўла амалга ошган, янгидан 400 ишчи ўрни яратилади, ишлаб чиқариш қувватимиз 11 325 миллиард сўмни ташкил қилади, – дейди Собир Жуманиёзов.

Том маънода вилоят саноатининг гигант корхонасига айланган бу иншоот қадим Питнак шаҳрининг ичида ўзи бир шаҳарчани эслатади. Ишчи-хизматчилар буш вақтларида мароқли дам олишлари учун барча шароитлар яратилган – мухташам ўйингоҳ, спорт заллари фаолият юритмоқда. Ишчиларга қатнашлари учун транспорт хизмати кўрсатишмоқда. Шинам ошхонада бир кечаю-кундуз барча сменада

ишловчилар учун мазали овқат-майдонда боғу гулзорлар барпо этилган. Техник ходимлар, ишчилар учун худудда қурилаётган кўп қаватли турар-жойлардан шинам уйлар ажратилаяпти.

Бир сўз билан айтганда, нафақат вилоят, балки мамлакатда энг йирик саноат корхоналаридан бири ҳисобланмиш мазкур даргоҳ замонавий қўрилиши, янгича технологиялар жорий қилингани, яратиб берилган шарт-шароитлари туфайли ёшларда шу ерда ишлаш иштиёқини ошираётир. Бугун корхонада вилоятнинг деярли барча туманларидан қатнаб ишлаётган ёшларни кўриш мумкин.

Филиал жойлашган худуд “Ҳазорасп эркин-иқтисодий зонаси”га шундоқкина ёнма-ён қўшни. Бу эса катта имкониятлар яратган. Бугун Ҳазорасп эркин-иқтисодий зонаси таркибидаги еттита қўшма корхона филиаллари бутловчи қисмлар ишлаб чиқаришга ихтисослашганлигини айтиб ўтиш керак. Умуман айтганда, корхона учун жами 28 та тадбиркорлик субъектлари турли бутловчи қисмлар етказиб беради.

– Яқин келажақда корхонада ишлаб чиқариш қуввати ўсиб бориши баробарида қўшма ва ёрдамчи корхоналар сони ҳам ана шу натижага мос равишда кўпая боради, – дея биз билан яқин келажақдаги режаларни ўртоқлашади корхона директори. – Давлатимиз раҳбари топшириқларига кўра 30 нафар тадбиркорларни бирлаштирган кооперация асосида кластер ташкил қилиш лойиҳасига киришилди. Ҳозирда улардан саккизтаси иш бошлаган. Кейинги йилда ушбу лойиҳа тўлалигича амалга ошади.

Шу ўринда биргина мисол келтираман сизга. Ҳозиргача энгил машиналар ойналари Фарғонадан келтирилди. Йўл узоклиги таннарх ва албатта вақтга ўз таъсирини ўтказарди.

Яна бир муҳим томони, ана шу лойиҳалар орқали янги иш ўринлари яратиш борасидаги давлат дастурларига ўз улушимизни қўшамиз. Бу эса ёшларни муҳим иш билан таъминлашдек давлатимиз раҳбари олға сураётган долзарб вазифа ижросини таъминлашга хизмат қилади.

...Директор билан яқинда иш бошлаган пайвандлаш цехи фаолияти билан танишдик. Ҳар бирининг оғирлиги 20 тонна бўлган металл листларни замонавий дастгоҳлар компьютерлаштирилган дастур асосида керакли ўлчамларда, санокли дақиқаларда уларни энгил машиналар кузовлари бўлаклари шаклида қирқиб, кейинги дастгоҳлар эса шу бўлакларни бир-бирига улаётир. У ёқдан эса тап-тайёр “Лабо” энгил машинасининг тайёр кузови чиқиб,

буёқ цехига пешма-пеш жўнатиляпти.

Бу эса машина тайёр бўлиш жараёнининг деярли ярмиси дегани. Кейинги йўғув цехларида машинага мотор, ғилдирақлар ва бошқа бутловчи қисмлар қўйилса, қараб-сизки, ҳар соатда камиди 23 та энгил машина конвейердан чиқиб, ўз харидорларига етказилиб берилади.

...Сўхбат орасида филиал раҳбари корхонада маҳаллийлаштириш дастурлари амалиётга айланиши ортидан бугунги кунда 53 фоиз маҳсулот, яъни бутловчи қисмлар шу ерда ишлаб чиқарилаётгани, келажақда бу кўрсаткични 70 фоизга етказиш имкони борлигини ҳам тилга олди.

...Корхона конвейерларидан бир кеча-ю кундузда қанча энгил машина чиқариш имконияти мавжудлиги билан қизиқамиз ва ҳайратланарли рақамни эшитамиз: яқинда бир кеча-кундузда 530 талик кўрсаткичга эришилган. Агарда корхона дам олиш кунлари ҳам қатъий тартибли сменада ишлашни эътиборга оладиган бўлса, йилнинг барча кунларига бу рақамни кўпайтирсак, ўхш кутилмаган рақам пайдо бўлади – деярли 190 минг машина!

Демак, имконият катта! Эндиликда белгиланган марраларга етиш учун ҳамкор корхоналарда бутловчи қисмлар ишлаб чиқаришни ҳам шу маромга етказиш талаб қилинади.

...Мақоламиз сарлавҳасини бежиз “Хоразм саноати яловбардори” деб қўймадик. Бу таърифимиз ортиқча бўртириш эмаслигини қийёсий рақамлар шундоқкина кўрсатиб турибди. Вилоятда барча турдаги саноат корхоналари йил давомида 11 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришса, шунинг 90 фоизи “UzAuto Motors” ҳиссасига тўғри келади. Қўйилмисиз?

Бу, асрларки асосан аграр соҳаларга ихтисослашган



вилоятлардан бири бўлмиш олис Хоразмда саноат салоҳияти сўнгги тўрт-беш йилда қай даражада ўсгани, ислохотларнинг янги босқичида эришилган асрларга татигулик юксалишлар кадр-қийматини кўрсатиб турибди.

Учинчи Ренессанс сари дадил одимлаётган Янги Ўзбекистоннинг порлоқ келажаги пойдевори мана шундай корхоналар туфайли мустаҳкам қўйилмоқда.

**Рўзимбой ҲАСАН,
“XXI asr” мухбири**

МУНОСАБАТ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев яқинда БМТ минбарига туриб, жаҳон жамоатчилиги эътиборини инсоният ҳаётига таҳдид солаётган учта инқирозга қаратди. Иқлим ўзгариши, биохилма-хиллик йўқолиши ва атроф-муҳит ифлосланишини бартараф этишга доир муҳим ташаббусларни илгари сурди. Давлатимиз раҳбари шу йил 11 октябрда ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам мазкур масала бўйича бир қатор тақлифларни билдириб, устувор вазифаларни белгилаб берди. Хусусан, 25 октябрдан 1 декабрга қадар мамлакатимизда “кузги дарахт экиш мавсуми” эълон қилинди.

Юртбошимизнинг ана шу ташаббусидан руҳ олиб, Ўзбекистон маҳалла фаоллари, нурунийлар, зиёлилар, хотин-қизлар ва ёшлар вакиллари муржаат билан чиқди. Фаоллар доимо она табият билан уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб, атроф-муҳит софлиги ва барқарорлигини сақлашга интилиб келадиган кўп миллатли халқимизни, бутун эл-юртимизни “Янги Ўзбекистон – яшил маконда бирга яшайлик!” деган олижаноб ғояни қўллаб-қувватлашга қақаришган.

Мурожаатда айтилганидек, айрим маҳаллаларда, кўча ва гузарларда бўш турган, дарахт экилмаган жойлар ҳам кўп. Эндиги вазифамиз ушбу жойларни боғ-роғларга айлантиришда маҳалла аҳлининг ҳамжиҳатлигини кучайтириш, худуд ободлиги ва аҳоли фаровонлигига хизмат қиладиган лойиҳаларни кенгайтиришдан иборатдир. Бунинг учун ҳар



бир маҳаллада “маҳалла боғлари”ни яратиш, яшил худудларни кўпайтириш, ҳар бир фуқаро шахсий намуна сифатида дастлаб ўз хонадонини ва қўчасини обод қилиши “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилиши шубҳасиз.

Миллий қадриятларимизга содиқ қолган ҳолда, оилада фарзанд дунёга келганида унга атаб кўчат экиш, ҳашар йўли билан боғ-роғлар яратиш, иморатлар атрофини кўкаламзорлаштириш каби эзгу аънаналаримизга ҳамоҳанг тарзда ҳар бир хонадон томонидан 20 туп кўчат экиш ва ўстириш ташаббуси илгари

сурилмоқда. “Ҳар бир фуқаронинг тўй ва бошқа яхши кунларида ниҳол экишни аънаанага айлантирсак, нима дейсизлар? Бу ғоят савобли тадбир эмасми?” деган қақирққа бефарқ қараб бўлмайди, албатта.

Мамлакатимизда 3 миллиондан ортиқ нурунийлар умргузаронлик қилмоқда. Улар маҳаллаларда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш, кўчатларни намунали экишни ташкиллаштиришда янада фаоллик ва ташаббус кўрсатишларига ишонамиз. Агар отахон-у онахонларимизнинг ҳар бири 1 тупдан ниҳол қадаса, 3 миллион оғочлик ул-

кан боғ барпо бўлади. Улар ўз ёнларига яна 10 нафар фарзанд-у невараларини олсалар, бу савобли ишга ёшларни ҳам шерик қилсалар, 30 миллион туп кўчат экилади. Шундай савобли ишларни давом эттириш учун ҳар бир хонадон эгаси ўз томорқасига, маҳалла гузари ва кўчасига 10 тупдан кўчат экса, юртимиз бўйлаб яна ўртача 55 миллион дарахт бўй чўзади. Бу боғлар бир кун келиб шовуллаган яшил денгизга айланиши ҳеч гап эмас.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини муваффақиятли амалга оширишда O’zLiDeP электроти, жумладан, деҳқон ва фермерлар, томорқа эр эгаларининг ўрни беқиёс. Юртимизда бир ярим минг фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа эр эгалари томонидан 81 миллиондан зиёд туп, ток, тол, ёнғоқ ва бошқа ниҳоллар парваришланаётгани мурожаатда ҳам эътироф этилган. Фермерларимиз “Бир дала – бир маҳсулот” тамойили асосида ўз худудига туп, ток, терак ва бошқа кўчатларни экса, ҳар бир қарич еримиз боғ-роғларга айланади.

Ўлкамизда “Оналар – яшил макон учун” ғояси кенг қулоч ёзиб бораётгани, маҳаллаларда “Оналар боғи” ташкил этилаётгани ҳар биримизни қувонтиради. Бунда 10 мингга яқин маҳалладаги “Оқила аёллар” ҳаракатининг ҳам муносиб ўрни борлиги шубҳасиз. Ушбу хайрли тадбирларни халқимиз орасида кенг ёйишда партияимизнинг “Аёллар қаноти” фаоллари ҳам жонбозлик кўрсатишмоқда. Сийсий куч сафидаги опа-сингилларимиз бундан бўён ҳам хайрли амалларда бардавом бўлишига ишонамиз. Худудларда “Ёшлар боғи”ни



**Тўлқин ФАЙЗИЕВ,
O’zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши раиси**

ташкил этишда ҳам O’zLiDePнинг навқирон аъзолари пешқадамлар қаторида бўлиши турган гап.

Мурожаатда таъкидланганидек, дарахт экиш ва уни парваришлаш мажбурият эмас, қадрият сифатида қабул қилайлик! Ҳар биримиз келажақ авлод олдидаги бурчимизни чуқур ҳис қилган ҳолда, “Яшил макон” лойиҳасини умумхалқ миллий ҳаракатига айлантирайлик! Токи, биздан фарзандларимизга обод, яшилликка бурканган гўзал Ватан мерос қолсин!

ТОБЛАНИШ ВА ИБРАТЛИ ТАЖРИБА МАКТАБИ



Фармон АМИНОВ,
Баҳоуддин Нақшбанд
ёдгорлик мажмуаси раиси,
Халқ депутатлари
Бухоро вилоят кенгаши депутати

Йигирма йил...

Тарих учун қисқа фурсат бўлган ушбу даврда мамлакат сиёсий майдонида Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ўз ўрнига, обрў-нуфузига, таъбир жоиз бўлса, етакчилик мавқеига эга бўлди.

O'ZLiDeP фаолиятининг илк кунлариданоқ дадил қадамлар ташлади. Асосий электорати ҳисобланган тadbиркорлар, ишбилармонлар ва фермерлар манфаатларини ишончли ҳимоя қилишдек улкан миссияни зиммасига олди. Бу шарафли йўлда ғайрат-шижоат кўрсатди. Натижага эриша олиш салоҳиятини намоён этди. Эндигина шакллантирилган партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасидан тортиб, ҳудудий ташкилотлар раҳбарлигигача кучли билим, бой тажриба ва иқтидорга эга бўлган кадрларнинг тайинланганиши муваффақиятнинг дастлабки омили бўлди. Шу жумладан, бизнинг Бухоро вилоятида ҳам партиянинг шаклланиши, халқ ишончини қозониш ва ривожланиш босқичлари енгил кечгани йўқ албатта.

Партиянинг таъсис съездида қатнашганим кечагидек ёдимда. 2003 йил 15 ноябрда ўтказилган анжуманга бухоролик делегатлар билан бирга борганман. Бошқа сафдошларим ва маслакдошларим қатори менинг ҳам қалбимда O'zLiDePнинг эртанги кунига бўлган юксак ишонч ўшандаёқ мустаҳкам эди.

Табииyki, съезддан кейин бажарилиши зарур бўлган ишлар кўлами анчагина салмоқли бўлиб, улар маҳаллий кенгашлардаги депутатлик корпусларини шакллантиришдан тортиб, вилоят, туман ва шаҳар бўлинмаларининг кадрлар таркиби ҳамда моддий техник базасини кучайтиришгача бўлган масъулиятли вазифаларни қамраб олган эди.

Орадан ўтган йиллар ичида амалга оширилган салмоқли ишларга назар ташласангиз Бухоро вилояти мисолида ҳам бу борада сезиларли натижаларга эришилганлигига гувоҳ бўласиз. Масалан, 2004 йилнинг 1 январь ҳолатида вилоят бўйича 7507 нафар O'zLiDeP аъзоси рўйхатга олинган бўлса, 2023 йилнинг 9 ойлик натижаларига биноан бу кўрсаткич 87096 нафарга етди. Бошланғич партия ташкилотлари сони эса мос равишда 341 тадан 861 тага кўпайди. Жойлардаги тарғибот-ташвиқот тadbирлари самараси ўлароқ шу тариқа деярли барча йўналишларда ютуқлар кўлга киритилмоқда.

Олий Мажлисининг юқори ва қуйи палаталари ҳамда маҳаллий кенгашлар депутатлигига O'zLiDePдан кўрсатилган номзодларнинг аксарияти сайланганлиги ҳам партиянинг нуфузидан дарак беради. Бугунги кунда Халқ депутатлари Бухоро вилоят, туман ва шаҳар кенгашларида бу партиядан сайланган жами 146 нафар депутат фаолият олиб бормоқда.

Уларнинг самарали фаолияти-сиз партиявий лойиҳалар ижросини таъминлашда қутилган натижаларга эришиб бўлмайди, албатта. Масалан, ушбу сиёсий кучнинг “Аёллар қаноти” томонидан ишлаб чиқилган “Ои-

Маҳаллий кенгаш депутатлари кўмагида маҳаллалардаги кам таъминланган, эҳтиёжманд ва ногиронлиги бор шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда, тadbиркорликни бошлаш истагида бўлган аёллар



БУ - МЕНИНГ

ПАРТИЯМ!

лавий тadbиркорликдан – мустаҳкам оилага”, “Соғлом оила – мустаҳкам оила”, “Намунали томорқачи аёл – фаровонлик бунёдкори” сингари бир-биридан пишиқ-пuxта ишланган исттиқболли лойиҳалари, айниқса, “Ишбилармон аёл” кўрик-танловининг якуний натижаларига биноан ўтган давр ичида бухоролик хотин-қизларнинг кўплаб вакиллари пешқадамликни эгаллаб, тижорат банкларидан ажратилган имтиёзли кредитларни олишга ҳам мушарраф бўлишди.

Ёшлар – Ватан келажаги! O'zLiDePнинг бу борадаги нуқтаи назари ҳам партия “Ёшлар қаноти”нинг фаолиятида яққол намоён бўлаётир. Ушбу жиҳат “Парламентда менинг ўрним”, хусусан, кейинги пайтда туманлар ва ҳудудлар кесимида ўтказиб келинаётган “Ёш муваффақиятли тadbиркор”, “Ёш инноваторлар ва технологлар”, “Ёш тadbиркорлар лигаси” сингари лойиҳалар ҳамда бир қатор спорт фестивалларида ўз аксини топмоқда.

ва ёшларга зарур имконият эшикларини очишда қутилган натижаларга эришилмоқдаки, орадан ўтган йиллар бўйича олинган таққослама рақам ва далиллардан ҳам буни билиш қийин эмас.

Мухтасар қилиб айтганда, орадан ўтган 20 йил партиявий фаолиятимизда ўзига хос синов, чиниқиш, тобланиш ҳамда ибратли тажриба мактабини яратган даврга айланди, десак муболаға қилмаймиз. Барча бўғинлардаги партиявий кадрлар салоҳияти тобора янгиланаётган. Бинобарин, давлатимиз раҳбари белгилаб берган устувор вазифаларнинг бош мезони ҳам аниқ: Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек тарихий жараённинг бугунги илк босқичида мамлакатимиз иқтисодий бунёдкорликни мустаҳкамлаш ва шу тариқа халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга муносиб ҳисса қўшишдан иборатдир.

лозим деб ўйлайман. Масалан, воҳадаги таълим муассасалари, корхона ва ташкилотлар, маҳаллаларда “Дурдона” маърифий лойиҳаси доирасида хотин-қизлар ва ёшларни адабиётга ошно этиш, улар ўртасида мунозам адабиётимиз ва санъатимиз дурдоналарини тарғиб этиш, қадимий меросимизни оммалаштириш, унутилиб кетаятган бир қатор амалий ишларга нисбатан ҳурмат ҳиссини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Партиянинг дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, иқтисодийни таъминлаш борасида ҳалол хизмат қилиб келаятган ташаббускор хотин-қизларнинг ҳуқуқий-иқтисодий саводхонлигини ошириш, ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирокини таъминлаш, тadbиркорлик соҳасидаги билим ва кўникмаларни шакллантириш, улар орасида ишбилармонликни ривожлантириш борасида бир қатор амалий ишларга қўл урдик. Ўзлаб хотин-қизлар тикуччилик, ироқи каштачилик, зардўзлик, қандолатчилик билан шуғулланиб, ўзлари учун даромад манбаи яратишга қўл урдик. Ўзлаб хотин-қизлар тикуччилик, ироқи каштачилик, зардўзлик, қандолатчилик билан шуғулланиб, ўзлари учун даромад манбаи яратишга қўл урдик. Ўзлаб хотин-қизлар тикуччилик, ироқи каштачилик, зардўзлик, қандолатчилик билан шуғулланиб, ўзлари учун даромад манбаи яратишга қўл урдик. Ўзлаб хотин-қизлар тикуччилик, ироқи каштачилик, зардўзлик, қандолатчилик билан шуғулланиб, ўзлари учун даромад манбаи яратишга қўл урдик.

“АЁЛЛАР ҚАНОТИ” ЗЎР ҚАНОТГА АЙЛАНЯПТИ

Жамиятда хотин-қизларнинг нуфузини ошириш, асосийси, уларнинг баркамол авлодни тарбиялашдаги энг муҳим ролинини янада кучайтириш ва амалга оширилаятган кенг камровли ислохотларимизда фаол иштирокини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган.



Исмигул ХУШМУРОДОВА,
Қарши давлат университети академика
лицейи директори, вилоят кенгаши депутати,
O'zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши
раисининг Аёллар масалалари бўйича ўринбосари

йўналтириш, ҳунармандчилик ва каштачиликни ривожлантириш, томорқадан самарали фойдаланишни ўргатиш орқали бандлигини таъминлашга ҳаракат қилаяпмиз.

“Аёллар қаноти” томонидан опа-сингилларимизга ўз тadbиркорлигини йўлга қўйишда ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан кўмаклашибгина қолмасдан, илғор фермер, тadbиркор ва ҳунарманд, касаначи аёллар тажрибасини оммалаштирилаятганлиги қувонарли. Албатта иқтисодий ва ижтимоий соҳадаги муваффақиятларимиз ҳам чаккимас. Вилоятда хотин-қизлар ўртасида касаначилик, кичик бизнес ва тadbиркорликни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратиш, имтиёзли кредитлар ажратишга алоҳида эътибор қаратилаятганлиги ўз самарасини бераётир. Президентимиз ташаббуси билан жорий йилда Қарши туманидаги Баттош қишлоғида ташкил этилган “Касаначилик маркази”да ташкил этилаятган машғулотларда **30 мингдан ортиқ касб-хунар ўрганияпти**. Партиямиз томонидан оила институтини ривожлантириш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, аёлларнинг меҳнат шaroитларини яхшилаш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларда тadbиркорлик кўникмасини шакллантириш, касбий, ижодий қобилиятларини ривожлантириш борасидаги ишлар бахтли келажагимиз тарбиячиларининг ҳаётини янада гўзаллаштириш борасидаги ғамхўрликнинг яққол намунасидир. Ўз иқтидорини амалда намоён этиб, тadbиркорликни йўлга қўйиб, оиласи бандлиги ва фаровонлигини таъминлаб келаятган опа-сингилларимиз фаолияти кўпчиликка ибрат қилиб кўрсатиляпти. Улар тажрибасини оммалаштириш учун ишхона ва хонадонларида “Маҳорат сабоқлари” ташкил этилмоқда.

“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар учун даромад манбаини яратиш, бандлигини таъминлаш доимий эътиборимизда. Оддий мисол, уларга паррандачилик, чорвачиликни йўлга қўйиш, иссиқхона ташкил этиш, томорқа хўжалигини ривожлантириш мақсадида банклардан кредит олишга кўмаклашяпмиз. Шаҳар ва туманлардаги маҳаллалар қoшида “O'zLiDeP аёллари –Янги Ўзбекистон бунёдкори” лойиҳаси доирасида “O'zLiDeP фаоли –ислохотлар тарғиботчиси” клублари хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва мақбул ечимларини топишда яқиндан ёрдам бермоқда. Бундай клубларнинг тарғибот акцияларида қатнашганлар ўз режалари билан бирга уларни қийнаб келаятган муаммоларни ҳам очик айтишяпти.

Яна бир эътиборли жиҳати, “Соғлом оила – мустаҳкам оила” лойиҳаси доирасида хотин-қизларнинг тиббий саводхонлигини ошириш, саломатлигини мустаҳкамлаш борасида кенг қўламда тушунтириш-тарғибот ишларига алоҳида эътибор қаратяпмиз. Очигини айтганда, кўпчилик аёллар ўз саломатликларида умуман бефарқ. Бу эса кўпгина ёш умрларни бевақт хазон бўлишига олиб келмоқда. Улар орасида тиббий маданиятни шакллантириш, жамиятда юксак маънавий-ахлоқий муҳитни қарор топтириш борасида изланаяпмиз. Ачинарлиси, бугунги кунда аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ўртасида онкологик касалликлар кўпайиб бормоқда. Аёллар ўз вақтида тиббий кўриқдан ўта

олмаяпти. Уларнинг қўлида етарли маблагнинг йўқлиги, иккинчидан эса замонавий ускуналар ўрнатилган шифохоналар жойлашган манзилнинг узоқлиги бунга монелик қилмоқда. Шу боис жойларда ташкил этилаятган бепул тиббий кўриқларда минглаб хотин-қизларнинг саломатлиги текширтирилиб, аниқланган касалликлар бўйича шифохоналарга йўланма берилляпти. Қишлоқда истиқомат қилаятган хотин-қизларни, айниқса, ёш қизларни жисмоний тарбия ва спортга қизиқишини ошириш борасида тизимли ишлар бажарилляпти.

Бугунги кунда Қашқадарёда 108 минг 89 нафар партия аъзоси бўлиб, шундан 44 минг 673 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Улардан 4 нафари халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати, 14 нафари туман кенгаши депутати саналади. **“Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”** давлат Дастурини бажариш бўйича мутасадди ташкилотлар, Халқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман кенгаши депутатлари билан ҳамкорликда жойларда учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилиб, кам таъминланган оилалар беминнат ҳомийлик ёрдамлари кўрсатяпмиз.

2016 йилдан буюн O'zLiDePнинг “Аёллар қаноти” томонидан ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилаятган “Ишбилармон аёл” кўрик-танловида 5 минг нафарга яқин қашқадарёлик хотин-қизлар иштирок этган бўлса, шуларнинг мингдан ортиғи ҳозирги кунда вилоятимизнинг номдор ишбилармон аёлларига айланди. Айнан уларнинг кўрсатган хайру саховати ва кўмагидан ижтимоий ҳимояга муҳтож неча юзлаб ногиронлар, қаровчисиз кексалар, кам таъминланган оилалар миннатдор ва ўз навбатида “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”, “Темир дафтар”га киритилган фуқаролардан қанчаси иш билан таъминланган.

Ўзининг 20 йиллик навқирон ва шарафли ёшини нишонлаятган етакчи партиямизнинг қашқадарёлик хотин-қиз фаоллари билан келишиб-кенгашиб, Президентимизнинг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида” ги фармонида белгилаб берилган бешта устувор йўналиш билан боғлиқ 100 муҳим мақсаднинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш ва бу муҳим ҳужжат ижросини таъминлаш бўйича ишларни бошлаб юбордик. Маҳалла ва қишлоқларда ишиси, уйда ўтирган хотин-қизларни касб-хунарга йўналтириш, тadbиркорликка жалб қилиш орқали уларнинг бандлигига кўмаклашиш, аёлларнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва сиёсий саводхонлигини ошириш борасида ижобий ишлар амалга оширилганлигини эътироф этган ҳолда, хотин-қизларнинг жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги иштироки ва фаоллигини ошириш, маънавий салоҳиятини юксалтириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилиб, амалий тақдирлар ишлаб чиқдик.

Фурсатдан фойдаланиб, барча партиядошларимизни, “Аёллар қаноти” фаолларини партиямизнинг тобора яқинлашиб келаятган 20 йиллик байрами билан салимий кутлайман. Янги Ўзбекистонимиз тараққиёти ва ёруғ келажаги йўлида амалга оширилаятган эзгу ёлларимиз, дастурий мақсадларимиз эл-юрт фаровонлигига хизмат қилаверсин!

ЭНДИ МЕҲМОН ЭМАСМИЗ...

ТОҒЛАР ВА ДАРЁЛАР МАМЛАКАТИ БЎЛМИШ ҚЎШНИ ТОҶИКИСТОН ТААССУРОТЛАРИ, ҲАЙРАТЛАРИ

◀◀Бошланиши 1-саҳифада.

Ана шундай унутилмас саёҳатни уюштириш ва ташкил этишда бош-қош бўлган Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг собиқ раиси, таниқли ижодкор Олимжон Ўсаров ва Тожикистон Журналистлар иттифоқи раиси, жонкуяр инсон Зинатуллох Исмоилзода қанча раҳмату таҳсинларга сазовор бўлганини изоҳлаш шартмас.

Асосийси, икки қардош ва жондош халқлар ўртасида 2016 йилдан кейингина шахсан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ташаббуси билан ўзаро борди-келдилар, ҳамкорлик алоқалари тиклангани тарихий воқеликка айлангани сир эмас. Неча ўн йиллар давомида эримаётган музларнинг эриб кетгани, тақа-тақ ёпилган метин дарвозаларнинг очилгани икки халқ вакиллари, ҳатто қанчадан бери бир-бирининг дийдорига зор бўлиб юрган қуд-андаларни, жигаргўшаларни қувонтирганини сўз билан таърифлаб беролмаймиз.

...2023 йил октябр. Бу галги ижодий сафаримизни уюштиришда, аввало, адабиётшунос олим, филология фанлари доктори Олимжон Давлат ҳамда “Сеvimли” нодавлат телеканали Бадий кенгаши аъзоси, “Дўстлик” ордени соҳиби, журналист Шоқахор Салимов ташаббускор бўлди. Сабаби оддий. Мен кўп йиллардан бери бутун дунёда турли хил шов-шувларга сабаб бўлаётган Сарез кўли ва Роғун ГЭСига имкон топилса бормоқни орзу қилиб юрардим. Бир суҳбат асносида шу тақлимимни юқорида номлари келти-

ошиқаётганимиз йўқ, тушундингми? Ҳайдасанг тузукроқ ҳайда, бўлмаса...” у ёғини таржимаям қилмади. Шу-шу бўлди-ю, учар ҳайдовчининг попуғи пасайди ва энди ҳамма қондаларга риюя қилиб, шом тушаётган маҳал Душанбе шаҳрига кириб бордик...

Ҳашаматли меҳмонхонага жойлашганимиздан сўнг мезбонлар - Тожикистон Республикаси Энергетика ва сув захиралари вазирлиги масъул ходими Парвиз Яхёев ва “Барқи Тоҷик” очик акциядорлик холдинг компаниясининг халқаро алоқалар бош бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Сиддиқов билан бир пиёла чой устида танишдик. Улар бизнинг сафаримиздан мамнун эканликларини изҳор этаркан, айниқса кейинги йилларда минтақа аҳолисини, жамоатчиликни ўйлантираётган ва ҳатто хавотирга солаётган экологик вазият, сув ва энергетика муаммолари юзасидан бу мамлакатда олиб борилаётган катта ислохотлар хусусида сўзлаб беришди.

Эртаси куни ярим асрдан бери фаолият юритиб келаётган ва таъкидлаш керакки, дунёдаги энг йирик иншоотлардан бири саналган Норақ ГЭСи томон йўл олдик. 300 метрдан ортиқ баландликка эга ушбу тўғон, аввало, зилзилага бардошлилиги, зичлиги ва мустаҳкамлиги жиҳатидан Гиннеснинг рекордлар китобига бежиз киритилмаганини мазкур ГЭС раҳбари Фазлиддин Шохиддинов батафсил шарҳлаб берди. Айни пайтда бу йирик электр ишлаб чиқариш станциясида 750 нафар маҳаллий халқ вакиллари ишлаётганидан билиш мумкинки, ҳазилакам иншоот эмас. Жаҳондаги энг катта объект сифатида тан олинган Норақ ГЭСи фаолияти, кўлами



нинг узунлиги неча юзлаб қақиримларга боради. Худудий жиҳатидан дунёда 85-ўринда турадиган мамлакат электр энергияси захиралари бўйича 8-ўринда эканлиги қувонарлидир. Шу маънода ҳозирча иккигина агрегат тўла қувват билан ишлаётган Роғун ГЭСи ҳақида эшитганларимиз бошқа, кўрганларимиз бошқа бўлди.

Билганимиз, баҳайбат Вахш дарёсининг тор тоғ дарасидан ўтган қисми тўсилиб, баланд тўғонли сув омбори қуриш, пировардида кўпроқ электр энергияси ишлаб чиқарадиган агрегатларни жойлаштириш лойиҳаси аллақачон, яъни собиқ иттифоқ давридаёқ мавжуд бўлган. Аммо бу йирик ГЭС қурилиши турли хил сабаблар туфайли неча йиллар давомида ортга суриб келинди. Баҳайбат тўғон салкам 335 метр баландликка эга бўлиши маълум эди. 2018 йилга келибгина Роғун катта қурилиш майдонида айланди ва ўша йили биринчи, 2019 йилда эса иккинчи агрегат тўла қувват билан электр энергиясини ишлаб чиқармоқда. Бундан 15-20 йил аввал Роғун ГЭС қурилиши гўёки хатарли бўлиб, бу дамба ёрилиб кетгудек бўлса борми, сув тошқини билан боғлиқ ҳалокатли ҳодиса юз беради ва бу Амударё ҳавзасида яшайдиган минтақа аҳолиси учун катта хавф туғдиради. Вахшнинг “бўғилиши” Амударёда сув оқими мавсумлар кесимида ўзгартириб юборади, деган хавотирлар пайдо бўлгани ва нуфузли анжуманларда жиддий муҳокамаларга сабаб бўлгани ҳам ҳақиқат. Лекин йиллар ўтган, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг ўзаро келишувига мувофиқ равишда жаҳон ҳамжамияти билан, жумладан, халқаро доирадаги мустақил экспертлар иштирокида олиб борилган музокаралар, таҳлиллар

дегандим. Йўқ, мутахассислардан бири бу рақамни тасдиқлагач, қойил демокдан ўзга эътироф қолмади...

ХОТИМА ЎРНИДА:

Душанбега борган кунимизнинг эртаси ижтимоий тармоққа қўйган миттигина постимга «Мен журналистман, меҳмон эмасман Тожикистонга!» деб сарлавҳа қўйган эканман. Нега, дея ажабланганлар ҳам кўп бўлди тўғриси. Изоҳлайман. Ўйланг, фикр қилинг, айниқса ён қўшни-жон қўшинингиз, бозору мозорингиз, миллий анъанаю урф-одатларингизга-ча деярли фарқ қилмайдиган ўлгага келиб, томоша қилиб кетиш бошқа нарса. Лекин бу ердаги ибратли ишларни, айрим жабҳаларда ҳавас қилса арзигулик амалларни кўриб, хулоса қилмоқ бошқа.

Очиғи, ўз она Ватанимни қандай севишимни ёки бошқа давлатга борсам, бу жаннатмонанд юртимни қай даражада соғинишимни айрим маддоҳу урра-уррачиларга ўхшаб сохта мақтовлар билан айтишим, ёзишим шарт эмаслигини ҳам яхши биларман. Шу маънода, аҳолиси эндигина ўн миллионлик нуфусга эга қўшни давлат бўлмиш Тожикистондаги баъзи хайрли ишларни ҳам санаб ўтишга бурчлиман.

Аввало, **кўчалардаги афиша ва ёзувлар, рекламалар асосан давлат тилида битилгани** кўзларни қувонтиради. Иккинчидан, **таълим даргоҳларида ўғил болалар ва қизлар учун жорий этилган ягона мактаб формаси** ҳамда **телефон-сиз кириш тартиби** ёқди бизга. Учинчидан, **тўй ва**



рилган икки ҳамкасбимга айтдим. Улар бу масалада Тожикистон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси, академик Абдуҷаббор Раҳмонзода билан маслаҳатлашиб кўриш лозимлигини билдиришди. Орадан кўп вақт ўтмади, тахририятимиз номидан муҳтарам элчи жанобларига икки энлиқкина хат жўнатдик. Мақтубда икки давлат раҳбарларининг саъй-ҳаракатлари ва ташаббуслари туфайли сўнгги йилларда ўзбек ва тожик халқлари ўртасидаги абадий дўстлик ва қардошлик алоқалари, ҳар томонлама ҳамкорлик ришталари тобора мустаҳкамланиб бораётганидан биз журналистлар ҳам бағоят мамнун эканлигимизни таъкидлаб, Ўзбекистон жамоатчилигини Тожикистоннинг сув-энергетика ресурслари, жумладан, Роғун ГЭСи, Сарез кўли ва минтақамиздаги экология масалаларини, шунингдек, Орол денгизи қуриши туфайли юзага келган глобал муаммолари оқибатларини бартараф этишда Тожикистон Республикаси томонидан амалга оширилаётган ишлар, жумладан, маънавий-маърифий мавзуларда туркум материаллар тайёрлаш ниятимиз борлигини таъкидладик. Ниҳоят, бизнинг тақлифларимиз икки давлат ташқи ишлар вазирликлари ҳамда элчичона томонидан қўлаб-қувватланганч, йўлга чиқдик.

Энг қизиғи, биз тўртовлон – **Шоқахор Салимов, “Хуррият” газетаси бош муҳаррири Абдурашул Жумақулов, “Маҳалла” телеканали бош муҳаррири Ўринбосари Рўзибой Қўлдошев** ва камина чегаралардан ўтишимиз биланоқ яна Тожикистон элчиси Абдуҷаббор Раҳмонзода кўнғироқ қилиб, сафар қандай бошланаётганлиги билан қизиқди. Шу баҳонада албатта аввалги Ўратена, ҳозирги Истаравшан шаҳрида ҳам бир нафас тўхтаб ўтишимизни сўради...

“САРЕЗГА АЛБАТТА БОРАСИЗЛАР”

Улкан ва ҳайбатли, айтсам ишонмайсиз, кўрқинчли доводдан йўловчи машинада кетяймизу хаёлимда яна Сарез кўли жонланаверди. Олд ўриндиқда ўтирган Шоқахор акамиз ҳали ховури босилмаган ёш, телефонхўр ҳайдовчи йигитга хавфли бурилишлардаям тезлиқни пасайтирмаётгани учун бир неча марта танбеҳ берди. Қайда, бир қўли рулда, бир қўли “айфон”-чада бўлган шофёр “хўп-хўп” дегани билан ўз билганидан қолмасди. Охири беш қақиримлик, ичкарисини яхши ёритилмаган ер ости йўлида қарама-қарши йўлга чиқаётганида чидолмади, тожикча бўлалатиб сўқворди. “Сен шошилаётган бўлсанг биз ҳеч қаерга

ва ишлаб чиқариш қуввати хусусида ўтган йили ҳам газетамизда тўлиқ маълумотлар берилгани учун бу гал уларни яна такрорлаш шарт эмас. Ҳайратланарли жиҳати, Вахш дарёси устида қурилган тўғондан оқиб тушаётган сувнинг шу даражада шаффофлиги ва зилоллиги эди...

Биз эса ўзаро гурун орасида яна Сарез ҳақида гап очавердик. Рўзибой Қўлдошев ҳам ана шу сирли кўл ҳақида мутахассислар қандай фикрда эканлигини билгиси келарди. Норақ шаҳри ва ГЭСига уюштирилган бетакрор саёҳатдан кўнглимиз тўлиб қайтаётганимизда... мезбонлардан бири гап очди: “Биламиз, бу мавзуда раҳбарият билан гаплашдик. Лекин ҳозир ҳаво анча совиб қолди. Сарез Тоғли Бадахшонда, машинада камида 8-10 соатлик йўл. Кейин кўлгача 10-12 километр йўлни пиёда босиб ўтиш керак. От-эшакларда ҳам юриш осонмас. Яна бир жиҳати, денгиз сатҳидан 3250 метр баландликда жойлашгани учун кислород танқислиги бор, ҳар қандай одамнинг чидаши мушкул”...

Мен бирданига йўлбошловчи, зукко таржимонимиз Шоқахор Салимовга қарадим. У эса мезбонларга. Ўртага жимлик чўқди. Бироздан сўнг мулоҳазакор, узоқни кўра оладиган Абдурашул Жумақул изох берди: “Шошилмайлик акалар, насиб этса келаси йил айни ёзда келсак, бемалол Сарезгача борамиз. Асосийси, сафаримиз ҳали қаримайди”.

Кечқурун ён дафтаримдаги айрим маълумот-ёзувларни қайта-қайта ўқийман: “1911 йил 18 февраль соат 23.15... Тоғли Бадахшондаги Усой қишлоғи аҳолиси ширин уйқуда. Кучли зилзила оқибатида Мурғоб дарёсини тўсиб қулаган баҳайбат тоғ қишлоқни босиб қолди. Бутун бошли қишлоқдан бир чол ва икки нафар ўғил болагина тирик қолди. 105 нафар инсон... Орадан кўп ўтмасдан кўчки натижасида ҳосил бўлган улкан тўғон дарё бўйидаги Сарез ва яна учта қишлоққа ҳам хавф солди. Аҳоли зудлик билан бошқа хавфсиз ҳудудларга кўчирилди. Ниҳоят неча ўн йиллар давомида жуда катта ҳудудда Сарез номин билан даҳшатли кўл пайдо бўлди. Бугун бу кўлнинг узунлиги 70 қақирим, эни-кенглиги 3,3 км, чуқурлиги, тасаввур қиляйсизми, 500 метр. Кўл сифими эса 17 куб км.дан иборат!..”

РОҒУН – АФСОНА ЭМАС!

Тожикистонда, агар манбалар алдамаса, 20 минг атрофида дарё, булоқ ва ирмоқлар бор экан. Улар

маросимларни тартибга солиш бўйича алоҳида қонун қабул қилинганлиги, бундай тадбирлар иштирокчилари сони қатъий тарзда 150 киши этиб белгилангани, **қонун бузилса жуда қаттиқ жазо қўрилиши, учинчидан, йўл ҳарақати хавфсизлигини таъминлаш учун ҳар хил бўлар-бўлмас, айниқса биздагидек дуч келган жойда тўхташни тақиқловчи белгилар, радарлар қўйиб ташланмагани** яхши тажриба эмасми? Тўртинчидан, **олий ўқув юртлари талабаларининг дарсга машинасиз келиб-кетишлари** жиддий назорат қилиниши... ва ҳоказо ишларига ҳаваси келади одамнинг. Бу каби намуналар, яъни умумэътироф этса арзигулик тажрибаларимизни олис хорижий давлатларга эмас, аксинча, ёнгина-миздаги қўшниларимиз билан ўртоқлашсак, бунинг нимаси ёмон, айтинг!

Хуллас, қадрдонларимиз билан хайрлашмадик. Яхшилиқда кўришгунча!

Норқобил ЖАЛИЛОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

Тошкент–Душанбе–Тошкент

